ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 42
(911)
2024 йил
17 октябрь,
Пайшанба



Ислоҳот

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Янги Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2017-2024 йилларда фуқаролик жамияти институтларини бевосита қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган 64 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий ва институционал база яратилди.

Бу борада Президентимиз, жумладан: “Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади» деб алоҳида эътироф этдилар.

Янги Ўзбекистон ва фуқаролик жамияти: конституциявий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қатор самарали, аниқ, қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, унинг XIII боби “Фуқаролик жамияти институтлари”, деб номланди. Хусусан, 69-моддада “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади” деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Энг асосийси, янги таҳрирдаги Конституцияда миллий қонунчилигимизда биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларининг таркиби очиб берилди. Ушбу институтлар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустаҳкамланди. Бундан ташқари бошқа бобларнинг 5 та моддасида фуқаролик жамияти институтлари манфаатлари ҳимоя қилинган.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихида илк маротаба 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Концепциянинг асосий устувор йўналишлари этиб:

• фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш;

• фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш;

• давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

• давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш;

• фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАДА АНИҚЛАНАДИ

Бугун юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 август куни қабул қилинган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда.

Хусусан, мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тизим яратилди.



Тошкент шаҳрида жойлашган “Улуғбек” жамғармаси биносида Фармон ижроси юзасидан Ягона электрон платформани расмий ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Жамоат фонди раҳбарияти, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Эндиликда фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларини ўз ичига олувчи мазкур Платформа ажратилаётган маблағларни оқилона тақсимлаш, шаффофлигини таъминлашда имкониятларни, қулайликларни яратади.

Ушбу тизим фуқаролик жамияти институтларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ишлаб чиқилаётган онлайн платформани тўлиқ автоматлаштириш ҳужжатлар алмашинувидаги замонавий ёндошувга, инсон омилисиз танловларни ўтказишга шароит яратади. Бундан ташқари, платформанинг яна бир афзаллик томони шундаки, бир нечта давлат ташкилотларидан маълумотнома олиш мақсадида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган. Яъни фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир ҳужжатларни электрон тарзда интеграция қилинган.

Ҳар бир талабгор ташкилот эндиликда танловларда иштирок этиш учун лойиҳаларни топшириш, давлат субсидиясини олиш учун буюртмаларни юбориш, кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини шахсий кабинети орқали кузатиб бориши мумкин. Бундан ташқари платформа танловларнинг мавзуларини шакллантиришда нафақат фуқаролик жамияти институтлари, балки кенг жамоатчилик томонидан ҳам таклифлар берилиши, уларнинг муҳокамаларда бевосита иштирок этиш имкониятини беради.

Платформа тизим фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиб, мазкур жараёнларнинг шаффофлигини таъминлайди.

Ўз мухбиримиз.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни



Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор, деб давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат, деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЛОҚАЙД КИМСАЛАРДАН ҚЎРҚ

Давлатимиз раҳбарининг ушбу даъвати ҳар бир фуқародан масъулият ҳисси ва мажбурият бурчини талаб этиши аниқ. Мазкур хитобдаги эътибор, эҳтиром, садоқат ва ҳаётий қоида сўзларининг айнан бориб боғланадиган жойи ҳам ўз она тилимиздир.

Ҳар қандай ғоя ҳимояга эҳтиёж сезар экан, демак, миллий ғоямизнинг ілк белгиси, она тили, аниқроғи давлат тилидир. Демак, уни ҳимоя қилиш элпарварлик, миллатпарварлик, тилпарварлик, айтиш жоизки, адолатпарварлик нишонидир.

Жонкуяр олим Қозоқбой Йўлдошев айтганидай, “Миллатларнинг глобаллашув даврида, ҳозирги постмодерн замонида тил миллатнинг қиёфасини, миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиши мумкин бўлган энг сўнгги қўрғон. Миллатнинг ери бўлмаса ҳам миллат бўлаверади. Миллатнинг давлати бўлмаса ҳам миллат бўлаверади. Миллатнинг урф-одатлари ҳам бошқаларникига ўхшаб қолиши мумкин, лекин у миллат бўлиб тураверади. Лекин миллатнинг тили йўқолса, у энди миллат бўлмайди”.

Хўш, ушбу мақомни мустаҳкамлашнинг муҳим омиллари, мезонлари нималардан иборат?

Биринчи омил — бевосита оила ва боғча тарбиясидир. Ҳар бир ота-она ёки тарбиячи болаларнинг тилга меҳрини оширадиган томонларга эътибор қилиши керак. Турли ўйин ва усуллардан фойдаланиб, уларнинг қизиқишини орттириш мақсадга мувофиқ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Учинчидан, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг демократик ташкилий-ҳуқуқий тизими яратилди. Хусусан, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳузурида Жамоат фондлари тузилди. Жумладан, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан сўнгги етти йилда 1 трлн. 916 млрд. сўм ажратилди. Натижада 2 246 та лойиҳалар қўллаб-қувватланди. 2008-2016 йилларга солиштирганда 30 баробар кўп. Кейинги 3 йилда ҳудудий Фондлар орқали 140 миллиард сўмлик 2120 та лойиҳа амалга оширилди.

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Карлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси, уларнинг 500 га яқин тизим ташкилотлари тўлиқ давлат субсидияларидан фойдаланмоқда.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида ҳар бир вилоятда "Дўстлик ва Нодавлат ташкилотлар уйлари" ташкил этилди. Бу уйларда 350 та ННТ ва миллий маданий марказлар бепул жойлаштирилди.

Олтинчидан, нодавлат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш божлари ўртача икки баробар пасайтирилди. Ногиронлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари эса бождан тўлиқ озод этилди. Қайта рўйхатдан ўтиш муддати бир ойдан 15 кунга қисқартирди.

Еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўз тадбирларини ўтказишда адлия органининг рухсатини олиш талаби бекор қилиниб, уларнинг фаолият эркинлиги янада мустаҳкамланди.

Саккизинчидан, ташқи манбалардан маблағ олиш жараёни осонлаштирилди. Махсус ҳисоб рақам очиш талаби бекор қилинди. Маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 40 кундан 15 кунга қисқарди. Бундан ташқари адлия органи билан келишмасдан олинадиган маблағ миқдори 5 бараварга оширилди. Натижада сўнгги 7 йилда жалб этилган халқаро грантлар 125 млн доллардан ошди.

Тўққизинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларига барча давлат ташкилотлари электрон тарзда кўрсатилмоқда. Бунинг учун алоҳида e-ngo.uz портали ишга туширилди.

Ўнинчидан, фуқаролик жамияти институтлари Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиси ва энг яқин ҳамкорига айланди. "Ватандошлар" жамоат фонди, "Ҳунарманд" уюшмаси, "Соғлом авлод" фонди, Ўзбекистон умумжаҳон ёшлар ассоциацияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, "Прогрессив ислоҳотлар" маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати каби энг фаол нодавлат нотижорат ташкилотлар бевосита иштирок этмоқда.

Янги Ўзбекистон фуқаролик жамиятларининг истиқболлари

"Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон юқоридаги ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий самарали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Фармон билан Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини оширишга хизмат қиладиган соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим олтита йўналиши белгилаб берилди:

биринчи йўналиш, Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш;

иккинчи йўналиш, жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

учинчи йўналиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш;

тўртинчи йўналиш, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш;

бешинчи йўналиш, фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

олтинчи йўналиш, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш белгиланди.

Фармон билан фуқаролик жамияти институтларига қуйидаги рағбатлантириш ва қулайликлар белгиланган:

Биринчидан, Парламент ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилмоқда.

Энди, фондни бошқариш бўйича Парламент комиссиясига навбатма-навбат Сенат ва Қонунчилик палатаси вакиллари раислик қилиб боради. Бу эса Фондни бошқариш самарадорлигини оширади.

Иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашлар ҳузурида "Фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган маслаҳат гуруҳлари" фаолияти йўлга қўйилади.

Учинчидан, Давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилди.

Тўртинчидан, Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида давлат органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашларига фуқаролик жамияти институти вакили раислик қилиши тартибига ўтилади.

Бешинчидан, Давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳаларининг ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги эътиборга олиниб, бундай лойиҳалар доирасида даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йил муддатга 50 фоизга камайтирилди. Тежалган маблағлар лойиҳа мақсадига йўналтирилади ҳамда уларнинг самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

Олтинчидан, Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини тузишни янада енгиллаштириш учун 2025 йил 1 январдан бошлаб шундай ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи 2 бараварга камайтирилди.

Еттинчидан, ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" ўтказиб борилади. Унинг доирасида Парламент комиссияси томонидан соҳа вакиллари "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирланади.

Саккизинчидан, ҳар икки йилда Парламент фонди томонидан тақдирланадиган "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти таъсис этилади.

Тўққизинчидан, Журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этилади.

Фуқаролик жамияти институтларининг ягона электрон платформаси

Фармон ижроси бўйича фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган фуқаролик жамияти институтларининг ягона электрон платформаси ишга туширилди.

Ягона электрон платформанинг ишга туширилиши қуйидаги натижаларни беради:

Биринчи натижа, фуқаролик жамияти институтларини ва кенг жамоатчиликни Олий Мажлис ҳузуридаги фонди ўтказадиган танловларнинг йўналишларини шакллантиришда бевосита иштирок этади.

Иккинчи натижа, танловларнинг барча босқичлари, шу жумладан ариза беришдан танлов натижасини эълон қилишгача барчаси рақамлаштирилиб, инсон омили минимал даражага туширилади.

Учинчи натижа, фуқаролик жамияти институтлари ортиқча қоғозбозликдан холи бўлади;

Тўртинчи натижа, мониторинг қилиш, шартнома тузиш, ҳисобот топшириш электрон тарзда амалга оширилади.

Бешинчи натижа, давлат органларининг ижтимоий буюртмаси электрон шаклларда шакллантирилади.

Ягона электрон платформа тизим фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиб, мазкур жараёнларнинг очиқ ва шаффофлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, "Бугун Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Сиёсатимизнинг марказида инсон қадри ва унинг манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланган. Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни — қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир".

Энг муҳими, Фармон фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради. Хусусан, ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш таъсирчанлигини оширади.

Шу нуқтаи назардан Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари давр талабига айланди, десак асло муболаға бўлмайди: "Бугун Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Сиёсатимизнинг марказида инсон қадри ва унинг манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланган. Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни – қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз ўз олдимизга яқин келажакда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатимизда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режаларни қўйганмиз."

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи
ўринбосари,
академик

ЛОҚАЙД КИМСАЛАРДАН ҚЎРҚ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу аснода болаларга турли қизиқарли китоблар ўқиб, сўзлаб бериши, ўз фарзандининг ҳамда ўзининг нутқини назорат қилиши ва биргаликда китоб мутолаа этиши, ўзаро мулоҳазалар билдиришлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Иккинчи омил маҳалла масъулияти ва кўча куйдаги, турли ёзувлар, шиорлар, реклама битиклари билан боғлиқ. Уларнинг ифода этилишига барча масъул бўлиши керак, чунки давлат тилида гапирар эканмиз, ҳамма тилга жавобгарлик ҳиссини ошириши даркор. Бу фуқаролик бурчи, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси демакдир.

Учинчи омил — мактаб таълими тизимида ўқитувчилар ўқувчилар нутқини, адабий тил қоидаларга риоя этиб сўзлашларини назорат қилиши лозим. Турли хил бадиий китобларни ўқишга тавсия этиш ва текшириш зарур. Мутолаадан мақсад мушоҳада. Мушоҳадасиз мутолаа — ташхиссиз муолажадир.

Тўртинчи омил олий таълим тизимида ҳам давлат тилида адабий тил қоидаларига риоя этиб сўзлаш ва маърузалар қилиш зарур. Профессор ўқитувчилар сифатли таълим мезони — педагогнинг коммуникатив компетентлиги, хусусан лингвистик компетенсия, тилнинг ифода имкониятларидан моҳирона фойдалана олиш, нутқ маданияти ва нотиқлик санъати билан боғлиқ эканини билиши ҳамда амал қилиши лозим.

Бешинчи омил корхона ёки ташкилотлар, идора ва муассаларида мулоқот тили асосан давлат тилида бўлишини таъмилаш айни пайтда иш юритиш қоғозлари, расмий идора ҳужжатлари давлат тилининг меъёри талабларга тўғри келиши керак. Раҳбар ходимлар тадбирларни, йиғилишларни давлат тилида олиб бориши мақсадга мувофиқ. Зарур пайтдагини бошқа тилга таржима қилиш мумкин.

Олтинчи омил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти юқоридаги омилларни қандай йўсинда бораётганини назорат қилиши ва ҳисобот бериши талаб этилади. Худди шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази, “Тасвирий ойна” каби уюшмалар ҳам бу ишда мутасадди ва бошқош бўлиши керак.

Еттинчи омил касбий фаолият нуқтаи назаридан Соҳавий атама ва сўзларнинг маъно доирасини яхши билиш керак. Турли хилдаги луғатлар — имло, изоҳли, таржима, соҳавий терминлар луғати, синоним ва антонимлар луғати каби қўлланмалар ҳар бир корхона ва муассасанинг маънавият бўлимида, кутубхонасида, аниқроғи раҳбарнинг иш столида бўлиши талаб этилади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан ишлаб чиқилган Давлат тилини билишга қўйиладиган минимал ТАЛАБЛАР алоҳида эътиборга молик.

Атоқли тилшунос, лексикограф Маҳмуд Кошғарий “Киши сўзлашу, йилқи сўзлашу” деб ёзади. Бу одамлар бир-бирлари билан сўзлашиб танишсалар, ҳайвонлар искашиб, ҳидлашиб танишадилар.

Юсуф Хос Ҳожиб “Сўзнинг ўрни сир” дейди. Бу эса нутқий фаолиятда ТТҚ (топиш, танлаш қўллаш (оғзаки ва ёзма) усулига қатъий риоя этишни тақозо этади.

Сўзнинг ўрни, ҳажми, ранги, вазни, ҳиди бўлади, уни диди борларгина англаб етади ва тўғри қўллайди. Сўз бузади-тузади, олқиш ҳам қарғиш ҳам у билан. Ободлик ҳам, барбодлик ҳам ундан. Бунёдкор ғоялар ҳам у билан, бузғунчи ғоялар ҳам.

Президентимиз “Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислоҳотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир”,-дейди.

Бу эса жадид маърифатпарварлари тил ҳақидаги қарашларига ҳам дахлдор масаладир. Тил масаласида ҳам жадид боболаримизнинг илғор қарашларини амалиётга қўллаш ўринлидир. Уларнинг қарашларидаги мулоҳазалар бугунги кунда тил ва ёзув масалаларини ойдинлаштиришда ҳам дастуруламал бўла олади.

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний бобомиз айтганидек: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”. Миллатнинг бойлиги ва борлиги унинг тили билан чамбарчас боғлиқ.

Жадидлар фаолиятида “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган ғоя етакчи бўлган. Бу эса “Авесто”даги “Эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал” ғояларига ҳамоҳангдир.

Жадидларнинг асосий мақсади миллатнинг ўз-ўзини англашига эришиш, давлат ва жамият қуришда Шарқ билан Ғарбдаги энг яхши анъаналарни бирлаштиришдан иборат бўлган.

Баъзан мен физик, мен химик, мен математик менга нутқ, тил, нотиқликнинг кераги йўқ деган мантиқсиз мулоҳазаларга дуч келасиз. У табиий фанми, гуманитар ёки ижтимоий - фалсафий фан мутахассисими, албатта тилнинг имкониятлари ва ифода воситаларидан фойдалана олиши керак. Тасаввур қилинг, физик қонуниятларни, кимёвий реакцияларни, геометрик аксиома ва теоремаларни, математик синус косинус, тангенс котангенцни у нима билан тушунтиради, ахир? Нутқи чалами демак, фан ҳам, мавзу ҳам, қўйингки, ўзи ҳам чала. Тилимизнинг бойлиги масаласида Навоий ҳазратларининг махсус асарлари борлигини ҳам биламиз. Сўз бойлигини ошириш китоб мутолаасига бориб боғланади. Кимки китоб ўқишдан тўхтаса, билингки, у фикрлашдан ҳам тўхтабди дейиши билан Дени Дидро ҳақ.

Абдулла Қодирий: “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”, “Тилимизни камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нуқсонларини тилга тўнкамасинлар”, дейди. Адиб она тилимизнинг сўз бойлиги ва ўзига хос жозибаси акс этган “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари билан ўзбек романчилигига асос солди.

Жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий 1915 йилда “Ойина” журналида чоп этилган “Тилимиз ҳақида” мақоласида туркий халқлар учун соддалаштирилган адабий тил яратиш масаласини кўтаради. Ҳатто 1918 йилда Туркистонда ўзбек тилининг давлат тили сифатида тан олиниши ҳақидаги таклиф билан чиқади. У бундай таклифни 1908 йилда ҳам билдирганлиги ҳақида Лола Ўроқова ўз мақоласида фикр билдиради.

Беҳбудий ҳар бир миллат ўз тили билан фахрланиши, тилини улуғлаши, тараққий эттириши, муҳофаза қилиши билан бирга, бошқа тилларни ўрганишини ҳам тарғиб қилади. Жумладан, 1915 йилда “Ойина” журналида чиққан мақоласига “Икки эмас, тўрт тил лозим”, дея сарлавҳа қўяди. Туркий тилдан ташқари араб, форс ва рус тилини ўрганишнинг аҳамиятини изоҳлаб беради. Рус тилини билишнинг зарурати тижорат, саноат, замон илмини ўрганиш ва шу орқали мамлакатни тараққий эттиришга боғлайди.

Жадид бобомиз Ибратнинг: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”, деган фикрлари ҳам юқоридаги қарашларга ҳамоҳангдир.

Ибратнинг ўзи кўплаб шарқ мамлакатларини кезиб, араб, форс, ҳинд, урду, инглиз, француз тилларини пухта ўрганган ва олти тилли луғат тузган. Шунингдек, жаҳон ёзувларининг тарихига нигоҳ ташлаб, лотин, юнон, хитой, ҳинд, араб, кирилл ёзувлари келиб чиқиши ҳақидаги “Жоме’ ул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) асарини яратади.

Ўзбекларнинг биринчи профессорларидан саналмиш Абдурауф Фитрат она тили бўйича яратган дарслиги, тилга оид ўнлаб мақолалари, асарлари, тадқиқотлари билан йирик тилшунос сифатида ҳам майдонга чиқди. Унинг 1919 йилда “Иштирокиюн” газетасида чоп этилган “Тилимиз” сарлавҳали мақоласи миллий тил учун қайғуришнинг ўзига хос намунасидир. Она тилининг тақдиридан, истиқболидан, бошқа тиллар юки босаётганидан хавотир ҳисси мақоланинг мазмун-моҳиятига сингиб кетган.

Қатағон қурбонларидан бири Абдулҳамид Чўлпон “Адабиёт яшаса – миллат яшар”, дея халқ ҳаётида адабиётнинг аҳамиятидан сўз очади. У фикрини давом эттириб: “Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етишдирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас”, - дейди.

Ўша пайтлардаёқ тилдаги муаммолар борасида хавотирга тушганини кўриш мумкин. Айрим даврий матбуот саҳифаларида тилга етарлича аҳамият берилмаётганини танқид қилди.

1938 йилда отувга ҳукм қилинган биринчи ўзбек тилшунос олими, профессор Ғози Олим Юнусовнинг меҳнат фаолияти тилшунослик билан боғлиқдир. Олим “Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили”, “Юридик терминлар луғати”, “Ўзбек тили грамматикаси” каби асарлари ва кўплаб тилга оид мақолалари билан ўзбек тилшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тилшунос, шоир, фольклоршунос ва таржимон сифатида Машриқ Юнусов – Элбекнинг ҳам жадидчилик даври адабиёти ва маданиятида ўз муносиб ўрни бор. У бошланғич синф ўқувчилари учун она тили дарслигини ёзган, “Ўзбекча шаклдош сўзлар” луғатини тузган. “Тил” ҳақидаги шеърида эса қуйидаги сатрлар битилган:

Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англат –
Кимлар эрур турк тилини сотғувчи?
Булбул каби сайраб турғон бу тилни
Уялмайин бу ўлкадан отғувчи?!
Болдан тотли, жондан тунуқ туркчани
Тушунмайин хўрлаб-хўрлаб ётғувчи?!
Очунларда бойлигин кўрсатмасдан,
Кимдур бунга: “ёрарми, ёрамас” деган?
Мунгли қушим, унларни қўй, сен сайра,
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга!..

Юқорида келтирилган интернет маълумотларига таянган ҳолда шуни айтиш жоизки, тил масаласига бефарқлик юрт тақдири ва мамлакат қисматига эътиборсизлик демакдир. Бу эса ватан тараққиёти ва тақдирига лоқайдликни урчитади. Тил софлиги, нутқнинг тўғрилиги, мантиқийлиги, бойлиги, таъсирчанлиги каби тушунчаларига путур етказади. Шу ўринда мутафаккирлардан бирининг ушбу мулоҳазаси эсимизни киритса, не ажаб. “Дўстингдан қўрқма, нари борса у сени сотади, сенга хиёнат қилади. Душманингдан ҳам қўрқма, нари борса у сени ўлдиради. Аммо сен бепарво, лоқайд кимсалардан қўрқ. Уларнинг жим туришлари туфайли қотиллик ва жиноятлар содир бўлаверади.”

Демак, тил масаласи мавсумий масала эмаслигини билганимиз ҳолда, ҳар биримиз ўзимизга, сўзимизга, оиламиз, маҳалламиз ва жамоа корхонамиздагиларнинг тилга эътибори ва нутқига эътиборли бўлсак, бу борадаги чигал муаммоларга ечим топган бўлардик. Ижро назорати ва қонун, қарорларга ҳурмат ва масъулият ҳисси Давлат тили мақомини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси, “ТИҚХММИ” МТУ профессори, “Нотиқлик санъати академияси” НТМ раҳбари

Жамоатчилик назорати давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан давлат учун катта аҳамиятга эга.

Жамоатчилик назоратининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Демократияни мустаҳкамлаш: Жамоатчилик назорати фуқароларга қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ва давлат ресурсларини бошқаришга таъсир ўтказиш имконини беради. Бу ҳокимиятнинг ҳаракатлари устидан назоратни таъминлайдиган демократиянинг муҳим элементидир.



Самарали жамоатчилик назорати – ислоҳотлар талабидир

Ошкоралик ва ҳисобдорлик: Фуқаролар ва жамоат ташкилотлари давлат органлари фаолиятини жамоатчилик назоратини ўтказиши орқали, коррупция, маблағлардан суиистеъмол ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлашлари мумкин. Бу суиистеъмол қилиш эҳтимолини камайтиради ва давлат органларига ишончни оширади.

Бошқарув самарадорлиги: Жамоатчилик назорати туфайли ҳокимият органлари фуқаролардан фикр-мулоҳазаларни олади, бу эса кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва ресурсларни бошқаришни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, айниқса давлат органлари ўз вазифаларини бажармаган ёки қонунбузарлик қилганда.

Коррупцияга қарши кураш: Ошкоралик ва жамоатчилик назорати коррупция ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишга қарши курашда муҳим восита ҳисобланади.

Шундай қилиб, жамоатчилик назорати янада очиқ ва адолатли давлат бошқаруви учун шароит яратишга ёрдам беради, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига ишончини оширади.

Президентимизнинг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг олтита асосий йўналишлари белгиланган, шулардан биттаси “фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш” этиб белгиланган.

Фармонга мувофиқ, Адлия вазирлиги уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунини жамоатчилик назорати механизмларини янада кенгайтириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритилиши. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилсин деб белгиланган:

- жамоатчилик назоратининг илғор хорижий тажрибага асосланган таъсирчан шакллари;
- жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш механизми ва тартиб-таомиллари;
- жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра якуний ҳужжатларни расмийлаштириш, жамоатчилик назорати объектига киритиш ва уларни кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари;

Хорижий тажрибада жамоатчилик назоратини қуйидаги самарали таъсирчан шакллари мавжуд:

1. Жамоатчилик эшитуви ва муҳокамалари

Жамоатчилик эшитуви – бу давлат органлари ўз фаолияти, режалари ёки лойиҳаларини тақдим этадиган, фуқаролар ўз саволларини ва таклифларини бериш ёки ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлган оммавий муҳокама шаклидир.

2. Мониторинг ва кузатув

Мониторинг – бу давлат органлари фаолиятини тизимли равишда кузатиш. Бунга давлат органларининг ишини мониторинг қилиш, сайловларни ўтказиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва бошқалар киради.

3. Фуқароларнинг мурожаатлари ва шикоятлари

Фуқаролар давлат органларининг ҳуқуқбузарликлари ёки самарасиз фаолияти тўғрисида давлат органларига ариза ва мурожаат қилишлари мумкин. Бу фуқаролар учун ҳокимият фаолиятини назорат қилишнинг энг қулай усулларидан биридир.

4. Жамоатчилик текширувлари

Жамоатчилик текширувларида давлат муассасаларда қонунлар, қоидалар ва қоидаларга риоя этилиши текширилади, ушбу текширувларга фуқаролар ва жамоат ташкилотлари жалб қилинади. Масалан, шифохоналарда, таълим муассасаларида, корхоналарда ва ҳоказоларда ўтказилган текширувлар қонунбузарлик ва камчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

5. Оммавий ҳисоботлар

Давлат ва ҳокимият органлари ўз фаолияти, бюджет маблағларининг сарфланиши ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботларни эълон қилишлари шарт. Фуқаролар ушбу ҳисоботларни кўриб чиқишлари ва агар қонунбузарликлар аниқланса, тушунтиришларни талаб қилишлари ёки яхшилаш бўйича таклифлар киритишлари мумкин.

6. ОАВ ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар жамоатчилик назоратда муҳим роль ўйнайди. Журналистлар ва фаоллар давлат органларида ҳуқуқбузарликлар, коррупция ва бошқа муаммолар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишлари мумкин. Ижтимоий тармоқлар ахборотни тезда тарқатиш ва жамоатчилик муҳокамасини талаб қиладиган масалаларга эътиборни қаратиш имконини беради.

7. Жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари

Давлат бошқаруви органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари – давлат бошқаруви масалалари бўйича қарорларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишда иштирок этувчи фуқаролик жамияти вакилларидан иборат гуруҳлар. Бундай кенгашлар давлат органларининг қонунчилик ташаббуслари, дастурлари ва ҳаракатларини баҳолаши мумкин.

8. Ахборот сўровлари (Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи)

Ахборотни оммавий ахборотдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунга асосан сўровлар орқали олиш механизми фуқаролар ва жамоат ташкилотларига давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини беради. Бу давлат фаолиятининг шаффофлигини назорат қилишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

9. Петиция ва ташаббуслар

Фуқаролар турли масалалар бўйича жамоатчилик фикрини билдириш учун петиция орқали фойдаланишлари мумкин. Баъзи мамлакатларда расмий петициялар маълум миқдордаги имзоларга эришса, қонунчилик муҳокамасига сабаб бўлиши мумкин.

10. Коррупцияга қарши ташаббуслар

Кўплаб ташкилотлар ва ташаббуслар коррупцияга қарши курашда тергов ўтказиш, коррупция схемаларини жамоатчиликка фош этиш ва қонунчиликка ўзгартириш киритиш учун лоббичилик қилиш каби механизмлардан фойдаланган ҳолда иштирок этмоқда.

11. Жамоатчилик маслаҳатлашувлари

Муҳим қарорлар қабул қилишдан олдин давлат оргинлари жамоатчилик билан маслаҳатлашишлари мумкин. Бу фуқароларга жамият манфаатларига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириш имконини беради.

12. Фуқаролик аудити

Фуқаролик аудити – бу давлат маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни мустақил кўриб чиқиш. Фуқаролар ёки жамоат ташкилотлари аудиторлари лойиҳаларнинг харажатлари ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиладилар.

13. Мустақил тадқиқотлар ва жамоатчилик фикрини ўрганиш

Жамоат ташкилотлари давлат органлари фаолиятини, давлат дастурларини баҳолаш ёки ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни аниқлаш мақсадида мустақил тадқиқот ва сўровлар ўтказиши мумкин. Бу маълумотлар ҳукумат сиёсатидаги ўзгаришлар ва яхшиланишларни лобби қилиш учун ишлатилади.

14. Қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси

Жамоатчилик экспертизаси қонун ижодкорлиги жараёнига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жалб этади, бу эса қонунларнинг қонунийлигини оширади. Жамоатчилик экспертизаси фуқароларнинг турли гуруҳлари, шу жумладан, айрим қонунларни қабул қилишдан азият чекаётганларнинг фикрларини ҳисобга олишга ёрдам беради. Бу жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини мувозанатлаштиради ва камситиш ёки адолатсиз қоидаларнинг қабул қилинишининг олдини олади. Жамоатчилик экспертизаси қонун лойиҳаларининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини баҳолашга ёрдам беради. Жамоатчилик экспертизаси тартиби ҳокимият, фуқаролар ва турли жамоат гуруҳлари ўртасида мулоқот учун платформа яратади.

Ушбу механизмлар жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатишига, ҳокимият ва давлат ташкилотларининг ҳаракатларини назорат қилишга, шунингдек, жамият ҳаётининг барча иштирокчиларининг очиқлиги ва жавобгарлиги даражасини оширишга ёрдам беради.

Ойбек ИСОҚОВ,
Ўзбекистон ногиронлар ассоциация раиси

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ



Жаҳонда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларда ва барқарор ривожланишга эришишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда ҳам бундай институтлар таркибига фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, турли жамғармалар, уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари киради.

Янги таҳрирдаги Конституцияда хам илк бор “фуқаролик жамияти институтлари” ибораси киритилиб, ҳужжатнинг 13-боби 69-75-моддалари фуқаролик жамияти институтлари, улар фаолиятининг кафолатларига бағишланган. Конституцияда жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилган.

Шу билан бирга, асосий Қомусимизнинг 115-моддасида Вазирлар Маҳкамасига фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш вазифаси юклатилиши, 148-моддага кўра эса фуқаролик жамияти институтларига Ўзбекистон Республикаси бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатининг берилиши ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошкарув органларида қанчалик муҳим институт сифатида қаралишини англатади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига катта эътибор қаратилиб, уларнинг самарали ривожланиши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятини бошқа институтлари роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинган.

Уларда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам белгиланиб, Фармон ва қарорлар қабул қилинган, 2023 йилда давлат томонидан ННТлар тизимини қўллаб қувватлашга қаратилган маблағлар олдинги йилга нисбатан 3 баробарга ошган.

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш йўли ва мақсадларини белгилашнинг илмий жиҳатдан асосланган, стратегик аҳамиятга эга бўлган режалари асосида мамлакатимизда яшовчи барча халқлар ва миллатларнинг қадр-қиммати, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, айниқса ривожланиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, имкониятларини рўёбга чиқариш ғояси – барча барқарор ривожланиш мақсадларини ўзаро боғлаб турувчи асосий ҳалқа ҳисобланиб, уларнинг уйғунлигини таъминлашга, бир-бирини тўлдириш, мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

> **Мамлакатда кучли фуқаролик жамияти қуришда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, Фармон ва қарорлар қабул қилинган, 2023 йилда давлат томонидан ННТлар тизимини қўллаб қувватлашга қаратилган маблағлар олдинги йилга нисбатан 3 баробарга ошган.**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 14 декабрда БМТ Бош ассамблеяси “Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ташаббуси асосида ишлаб чиқилган маҳсус “Йўл харитаси” Ўзбекистонда 2023-2024 йилларда барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Барқарор ривожланиш маркази ва унинг бўлинмалари томонидан барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларини 2030-йилгача мақсадли параметрларига эришиш учун вилоятда қилинаётган ишлар мониторингини ташкил этиш ва натижаларини баҳолашга қаратилмоқда.

Аҳолининг миллий мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида хабардорлигини ошириш, барқарор ривожланиш чора-тадбирлари асосида шаҳар, туманлар ва маҳаллаларда аҳолини талаб ва эҳтиёжларини қондириш юзасидан мунтазам равишда ўрганишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят бўлинмалари ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишда иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини, барқарор ривожланиш мақсадлари параметрларини эътиборга олган ҳолда таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқмоқда.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 600 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. ННТлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ва грантлари ҳамда ижтимоий буюртмалари доирасида қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Ўтган 2023 йилда вилоятдаги Барқарор ривожланиш мақсадларига молик дастурлар доирасида ННТлар томонидан Олий Мажлис фондининг 7 та, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоат фонди томонидан 14 та грант, давлат ижтимоий буюртмаси доирасида 2 та лойиҳалар амалга оширилди.

Барқарор ривожланиш маркази Хоразм вилоят бўлинмаси томонидан минтақада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш юзасидан грант лойиҳаси тайёрланди ва тақдим этилди. 2024 йилда «Минтақада барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш устувор йўналишлари» мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш режалаштирилган. Анжуманда фуқаролик жамияти институтлари, олий таълим муассасалари, бошқа ташкилот ва муассасалар вакиллари қатнашадилар. Анжуманда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бахтиёр РЎЗМЕТОВ,
Барқарор ривожланиш маркази Хоразм вилоят бўлинмаси раҳбари,
профессор



ҲАШАМАТ БАЛОСИ

Урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар, биз эъзозлайдиган туйғулар, инсонийлик ҳақида гап кетганда негадир улар қишлоқда сақланиб қолиши керак, деб ўйлаймиз.

Кўпчилигимиз ўша ерларда ҳалиям бор, деган хаёлдамиз. Аслида қишлоқ ҳам бугун бошқа ҳудудлар сингари ўзгариб, йилдан-йилга ўзгача қадриятларни ўзлаштириб, кези келганда, ўзиникини бой бериши мумкин бўлган ҳудудга айланмоқда. Яъни, нима бўлганда ҳам биз юз йиллардан бери қадрлаб келаётган қадриятлар шаҳарларда тамоман йўқолиб, қишлоқда асраб қолинади, деган фикр бугуннинг манзарасига тўғри келмайди.

Бунга мисоллар кўп бўлса-да, баъзиларини алоҳида ёзгим келди.

Уйнинг тўри кимники?

Қишлоқда гап тез тарқалди: «Фалончининг ўғли таълим соҳасида яхшигина ишга ўтибди!». Биров хурсанд бўлди - бизнинг қишлоғимизданам шунақа обрўли одамлар чиқяпти, деб. Яна кимдир энсаси қотди. Кимдир оқ йўл тилади, хуллас, бу хабарга эътиборсиз одамнинг ўзи йўқ эди. Қизиғи кейин бўлди. Мансабга ўтирган фалончининг отаси бир умр одмигина ҳаёт кечиргани учун уйлари ҳам эл қатори, оддий қишлоқ уйларидан бири эди. Кўп ўтмай, уй бузилиб, қайта қурилди. Катта, кенг дарвозахонадан аввал оддийроқ, кейин янаям қимматроқ, ҳашаматлироқ машиналар жой эгаллай бошлади. Шаҳарга фақат икки-уч марта, уям бўлса даволаниш учун борадиган Фалончининг онаси умр йўлдоши билан қишни шаҳарда ўтказадиган бўлди. Кийимлар, ўзини тутиш ўзгара бошлади. Қишлоқдагилар ҳам қайси маърака бўлмасин, уларни беихтиёр тўрга ўтказадиган бўлишди.

Фалончининг онаси энди бошқа аёлларга гап бермайди. Ўғлига қанақа совғалар келаётганидан тортиб, машинасини қачон янгисига алмаштиришигача гапиради. Бошқа аёллар ҳам Онанинг оғзига кўзини тикиб, шундай ўғил тарбиялаганига ҳавас қилиб ўтиришади. Лекин негадир ҳеч ким ушбу тизимда ойлик-маошнинг ҳаминқадар бўлишига қарамай, бунча ҳою-ҳавасни қисқа фурсатларда амалга ошираётган «амалдор»нинг пулни қаердан олаётганини ўйлаб кўрмайди. Тўғрироғи, ўйлайди, ҳатто биламиям, лекин бундан нафратланмайди. Аксинча, ўша оилага яқинроқ бўлишни истайди, кўпроқ мулозамат кўрсатади. Энг ёмони, фарзандларини ҳам шундай бўлишга ундайди. Таълим тизимида кичик бир жойнинг раҳбари шунча ўзгариб кетдими, нега ахир, бу бизнинг болаларимизнинг ҳаққи-ку аслида, дея фикр қилмайди.

Бир пайтлар қишлоқнинг оқил кексалари сал бўлса-да, ўзлигини йўқотган қишлоқдошларини изза қилган бўлса, бугун уларни кўтар-кўтар қилади. Танбеҳ берган одам бутун қишлоқ ичида бир зумда «ичи қора, душман»га айлантириб қўйилади.

Қуйидаги мисолни эса суҳбатдошим ўзи айтиб берди.

Отамнинг даккиси

Отам бизни бир умр ҳалол меҳнати, ўқитувчилиги ортидан катта қилди, тарбия берди. Китоб-қаламга меҳр уйғонишига ҳам отам сабабчи бўлган. Вилоятнинг чекка тумани бўлгани учун узоқроқ мактабга қатнардик. Лекин китоб масаласида муаммомиз бўлмасди. Чунки эсимни таниганимдан бери уйимизда мўъжазгина кутубхона бўларди.

Отам ҳар доим бизга ёшимизга қараб китоб танлаб берарди, уни мароқ билан ўқиб чиқардик. Баъзи китобларни ўқишга рухсат бермасди. Биз астойдил тиришиб, отам айтган ишларни бажарганимизда бу китобларга қийинчилик билан эришардик. Яъни, ҳозирда ота-оналар боласи китоб ўқиса, мукофот берса, биз китоб ўқиш учун кўпроқ ишлашимизга тўғри келарди. Кутубхонамиз уйимизнинг энг салобатли, ҳамма ҳам яқинлашишга рухсат бўлмаган, муқаддас бир жой эди. Табиийки, отамнинг бундай тарбияси билан ҳаммамиз мактабда яхши ўқидик, олий таълим муассасаларида таҳсил олдик.

Ёшликда олган билим, заковатимиз туфайли бугун вилоятнинг энг нуфузли бошқармаларида ишлаяпмиз, шукур. Аввалари отам биз билан фахрланар, доим қишлоққа борганимизда насиҳатларини айтиб, неваралари билан китоб ҳақида суҳбатлашарди. Лекин кейинги йилларда негадир қишлоқда вазият ўзгарганини ҳис қиляпман. Одамлар уй қуриш, уни безатиш, турли автомобиллар сотиб олишга ҳаддан зиёд берилиб кетди. «Бунинг нимаси ёмон, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланяпти», дерсиз. Албатта, менам аввалига шундай фикрда эдим.

Лекин энди атрофга назар ташлар эканман, кўп қадриятларимизни бой бериб қўймаяпмизми, деб ўйлаб қоламан.

Келинг, фикримни бироз бошқачароқ тушунтирай. Бундан ўн йиллар аввал қишлоққа борсак, қишлоқ катталари тўй-маъракаларда нима иш қилаётганим, марказдаги аҳвол – руҳият, сиёсат ҳақида суҳбатлашарди. Яхши суҳбатлар бўларди, ўзим ҳам улардан кўп нарса олардим. Лекин кейинги йилларда бу суҳбатлар мавзуи тобора торайиб бормоқда: фақат бойлик, ҳашаматдан гапириш урфга кирди. Кимнинг қанақа машина олаётгани, қанақа уй қураётгани, қандай тўй қилаётгани каби маиший мавзулар обдон гаплашиляпти ҳозир. Қишлоқда туғилиб, ўсиб, марказда ишлаётганлар мени яхши тушунади. Бугун қишлоқдан чиқиб, шаҳарда ишлаяпсанми, ота-онангни кўришга келганингда, албатта, тагингда энг сўнгги русумдаги автомобиль бўлиши керак. Шундагина обрў-эътиборга эга бўласан. Акс ҳолда ҳеч кимсан, ҳеч нимага эришмагансан. Бу ҳолатни кузатиб, кўнглимдан ўтганларини таҳлил қилиб юрган пайтларим эди.

Бир жияним уйланадиган бўлиб қолди. Оилам билан баҳоли қудрат совға-салом олиб, қишлоққа йўл олдик. Машинам оддий, эл қатори. Аввал ота уйига бориб, ҳол-аҳвол сўрашдик, ундан-бундан гаплашдик. Суҳбат давомида отамнинг бир гапи юрагимга наштардек тегди. «Сен ҳам фалончини болаларига ўхшаб, «Трекер»ларда келсанг бўлмайдими, болам. Ўшалардан кам жойинг йўқ-ку, ахир. Обрўли жойда ишласанг, наҳотки шунча пайтдан бери эски «Нексия» миниб юрасан?!», дедилар. Шу инсон менинг отамми, дея ҳайратда қолдим. Ўзлари бир умр бизга ҳалол луқма едирган, ҳалолликни бош мезон қилиб тарбиялаган, бизларни ҳам шундай бўлишга ундаган инсон – Отамдан бу сўзларни кутмагандим. Отага қарши фикр билдириш ножоизлиги бизда одоб даражасида шаклланиб қолган. Аммо шундай бўлса-да, «Ота, наҳотки шу гапларни сиз айтаётган бўлсангиз?!», дедим.

Кейин ўйлаб қолдим, йўқ, бу сўзларни отам эмас, йилдан-йилга қишлоқларга ҳам касаллик даражасида кириб бораётган ҳашамат эпидемияси гапираётган эди. Қандай бўлмасин, «Трекер», «Малибу» миниб қишлоқдошларининг кўзига қаҳрамон кўринаётган ва уларни беихтиёр қишлоқнинг тўрига олиб чиқаётган одамлар айтаётганди бу сўзларни. Минг йилдан бери одмилик, ҳалолликка сиғингудай одамларни ҳам домига тортиб кетаётган моддият гапираётганди бу сўзларни…

Гулруҳ МЎМИНОВА

Ота-она учун фарзанд кулгусидан ортиқ бахт йўқ. Боласининг соғ-саломат бўлиб, ўйнаб-кулиб юриши ҳар қандай бойликдан ортиқ. Халқимиз болажон. Аммо бу ҳаётда онда-сонда бўлса-да, ўз дилбандини ўйламайдиган бемеҳр, бағритош оналар ҳам, афсуски, учраб турибди. Яқинда судда фарзандини бутунлай унутган онага оид иш кўриб чиқилди. Унинг тафсилотларини келтириб ўтишни лозим топдик. Сабаби, бу ҳолат бошқаларга ҳам сабоқ бўлса, ажаб эмас.



“ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНСИН...”

Судга Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 30-ёрдамчи меҳрибонлик уйи масъуллари вояга етмаган Артём Р. манфаатини кўзлаб даъво аризаси билан мурожаат қилди. Унда Кристина Р. ёлғиз она бўлиб, вояга етмаган фарзанди Артём Р.дан воз кечганини, шу пайтдан буён унинг тарбияси билан шуғулланмай, боланинг ҳаёти, соғлиғи ва тақдири билан қизиқмаганлигини, бирор марта хабар олмаганини баён қилган. Вояга етмаган Артём Р. 2006-2013 йилларда Тошкент вилояти Янгийўл тумани кичкинтой болалар уйида тарбияланиб, Янгийўл шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат муассасасига жойлаштирилганини, ҳозирги кунда Тошкент имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган 2-сонли касб-ҳунар мактабида таҳсил олиши ва меҳрибонлик уйида яшаётганини билдирган. Шунингдек, даъвода боланинг мақомини белгилашда қийинчиликлар вужудга келиб, онаси воз кечган фарзанд мақомида рўйхатга олинганини, унинг ижтимоий мақомини белгилаш зарурлигини, амалдаги қонунчиликда ота-она фарзанди вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялаш мажбурияти юклатилганлиги таъкидланган. Қонунда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари қатъий белгиланганини, шу сабабли оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласида судга мурожаат қилинганини баён қилиб, суддан жавобгар Кристина Р.ни вояга етмаган фарзанди Артём Р.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогарнинг ишончли вакили Азимова Ш. даъво аризани тўлиқ қувватлаб, суддан даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Иш бўйича жавобгар Кристина Р.ни топиш, унинг доимий ёки вақтинча яшаш жойи ҳамда иш жойини аниқлаш имкони бўлмаганлиги сабабли, суд ишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 164-моддасига асосан жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган мутахассис Олмалиқ шаҳар “INSON” ижтимоий хизматлар маркази болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбаси вакили Каликов Э. даъво аризани тўлиқ қувватлаб, жавобгар Кристина Р. дунёга келтирган фарзандининг тарбияси ва моддий таъминоти билан умуман шуғулланмаганлигини билдирди. Бола давлат муассасасига жойлаштирилганини, бундай онанинг бола билан бирга бўлиши унинг руҳий ҳолати, тарбияси ва келажагига хавф солишини баён қилиб, жавобгарни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва давлат муассасаси қарамоғида қолдиришни сўради.

Суд тарафнинг баёнотини тинглаб, прокурор фикри ва учинчи шахс тушунтириши ва иш ҳужжатларини ўрганиб, уларни муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди.

Аниқланишича, жавобгар Кристина Р. бола туғилган пайтда ундан воз кечиб, ўзи дунёга келтирган боланинг тарбияси ва таъминоти билан умуман шуғулланмаслиги, фарзандининг ҳаёти ва аҳволидан хабар олмаслиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида даъвогар боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 73-моддасига асосан ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардирлар. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга. Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Мазкур кодекс 75-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас, болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим. Ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, аҳлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас, болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплутация қилишдан холи бўлиши керак.

Ушбу кодекс 79-моддасининг 1-бандига кўра, ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш деганда – ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари деганда улар болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлиги тушунилади.

Суд даъвогар Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 30-ёрдамчи меҳрибонлик уйи масъуллари томонидан вояга етмаган боланинг манфаатини кўзлаб киритган даъво талабини муҳокама қилди. Мазкур ҳолатда жавобгар ўзи дунёга келтирган боладан воз кечиб, оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги, ўз боласига ғамхўрлик қилмаслиги ва моддий таъминлашдан бош тортганлиги, боланинг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаслиги ҳолатлари тақдим этилган ҳужжатлар билан ўз исботини топди. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш охирги чора эканлигини, жавобгар суд жараёнида иштирок этмагани ва вояга етмаган фарзандининг тарбияси, моддий таъминоти билан шуғулланиб, оналик мажбуриятини бажарганлиги ҳолатини тасдиқловчи мақбул далиллар тақдим этилмади. Суд бундай ҳолатда вояга етмаган боланинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни лозим топди.

Суд ўз ташаббуси билан алимент ундириш масаласини ҳам муҳокама қилиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши белгиланган. Жавобгардан вояга етмаган боланинг таъминоти учун алимент ундирилишини инобатга олиб, жавобгар ҳисобидан вояга етмаган боланинг таъминоти учун қонунда белгиланган миқдорда алимент ундиришни лозим топди.

Суд даъвогар Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 30-ёрдамчи меҳрибонлик уйи масъулларининг вояга етмаган Артём Р. манфаатида жавобгар Кристина Р.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантирди.

Суднинг қарори билан жавобгар Кристина Р. Артём Р. исмли бир нафар вояга етмаган фарзандига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Шунингдек, жавобгар ҳисобидан вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун вояга етгунига қадар жавобгарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланди.

Бола таъминоти учун ундириладиган алимент миқдори қонунчиликда белгилаган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги алоҳида қайд этилди.

Ўз фарзандига меҳр кўрсатмай юрган она бир кун келиб қилган ишидан афсус чекиши аниқ. Аммо ўшанда вақт ўтган бўлади. Вақтни эса орқага қайтаришнинг иложи йўқ.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Оҳангарон туманлараро судининг судьяси.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-1010

Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Қурбоной Турдиева нафақат Ўзбекистон каштачилик ва тикувчилик соҳасида, балки халқаро майдонда ҳам танилган ҳунармандлардан бири сифатида маълум. У ўзининг ижодий ёндашуви, устозлик маҳорати ва услубий-ўргатишга оид ютуқлари орқали ўз соҳасида етакчи даражасига кўтарилган ҳунармандларимиздан.



ТОҒДАН ОШГАН ТИКУВЧИ



Самарқанд вилоятининг тоғли тумани Ургутнинг Ғўс қишлоғида туғилган Қурбоной Турдиеванинг каштачилик ва миллий кийимлар тикишга бўлган қизиқиши ёшлигидан бошланган. Мактаб йилларидаёқ билим мусобақалари ва танловларни ташкил этган ҳолда, ўзининг ижодий қобилияти ва етакчилик салоҳиятини намоён қила бошлади. 12 ёшида у замонавий ва миллий услубда кийимлар тикишни ўрганди ва бу йўналишда янги дизайнлар яратиш билан шуғулланди.

Турдиева Ургут кашталарини замонавий кийимлар билан уйғунлаштириш борасида бир қатор изланишлар олиб борди. Унинг яратган дизайнлари миллийлик ва замонавийликнинг мукаммал уйғунлиги билан ажралиб туради. Мазкур ижодий ёндашувлари унинг миллий ва халқаро миқёсда тан олинишига олиб келди. Хусусан, Италия, Испания, Франция, Туркия каби халқаро бозорларида Турдиева маҳсулотларига катта қизиқиш билдирилгани унинг ижодий қобилиятларини ва маҳсулотларининг юқори сифатини кўрсатади. Ижодкор сифатида нафақат ўзининг санъатида муваффақиятларга эришган Қурбоной Турдиева, балки иқтисодий ютуқлари билан ҳам эътиборга моликдир. У маҳсулотларини нафақат Ўзбекистон, балки халқаро бозорларга ҳам олиб чиқди ва йирик ишлаб чиқариш шартномаларини муваффақият билан бажарди. Бу унинг маҳсулотларининг сифатли эканлиги ва тадбиркорлик қобилиятининг кучлилигини намойиш этади.

Ҳунармандчиликни ривожлантириш йўлида Қурбоной Турдиева ўзининг маҳоратини шогирдларига ўргатишни ҳам асосий мақсадларидан бири сифатида белгилади. У юзлаб шогирдларга ҳунар сирларини ўргатиб, уларга миллий каштачилик ва тикувчилик соҳасида чуқур билим берди. Бугунги кунда унинг шогирдлари яратган услублардан фойдаланган ҳолда ижодий ва иқтисодий ютуқларга эришмоқда.

— Қурбоной опа бизга каштачилик ва миллий либосларга оид беқиёс билимларни бердилар. Бизга келган буюртмаларни тайёрлаш баробарида устозимиз доимий равишда ҳунарларини шогирдларга ўргатишга доир услубий материаллар ва қўлланмалар тайёрлаб борардилар, – дейди шогирдларидан бири М. Раупова.

Қурбоной Турдиева, замонавий каштачилик санъатимизнинг етакчиларидан бири сифатида, бир қатор ўзига хос услубларни яратишга муваффақ бўлди. Унинг ишларида миллий анъаналарни замонавий дизайн билан бирлаштириш, шунингдек, ижтимоий ва экологик масалаларни инобатга олиш аниқ кўзга ташланади.

Қурбоной опа миллий ва халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этган ва ўзининг ноёб каштачилик ва миллий кийим дизайнлари билан катта эътирофга сазовор бўлган. 2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмасига ўзининг соҳага оид юксак ютуқлари ва юқори натижалари, шогирдларга таълим беришдаги роли инобатга олишган ҳолда аъзоликка қабул қилинди ва бу унинг ҳунармандчилик соҳасидаги юксак ютуқларини тасдиқлади. Ушбу аъзолик унга миллий ва халқаро даражадаги тадбирларда янада изчил қатнашиш, ҳунармандчилик бўйича тажриба алмашиш имкониятини тақдим этди.

Қурбоной Турдиеванинг каштачилик ва тикувчилик соҳасидаги ижодий ютуқлари, миллий ва халқаро миқёсдаги иқтисодий муваффақиятлари унинг бу соҳада етакчи эканлигини тасдиқлайди. У ўзининг миллий каштачилик маданиятини ривожлантириш йўлида ҳам устозлик маҳорати, ҳам иқтисодий билим ва тажрибасини бирлаштириб, бу йўналишда катта ҳисса қўшмоқда.

— Мен каштачилик ва тикувчилик йўлида бир лаҳза ҳам тўхтамадим ва ўз меҳнатим билан Ўзбекистоннинг миллий ҳунармандчилик санъатини дунёга танитишда давом этаман, – дейди бугунги кунда юксак эътироф этилаётган ижодкор ва юзлаб шогирдларнинг устозига айланган ҳунарманд Қурбоной Турдиева.

Дилбар МАҲМУДОВА

